

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

УТЕПОВА НИГОРА БУРХОНОВНА

**ПЕСТИЦИДЛАР ТАЪСИРИ ШАРОИТИДА ТУҒИЛГАН АВЛОД
ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИ**

14.00.02-Морфология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Утепова Нигора Бурхоновна

Пестицидлар таъсири шароитида туғилган авлод
лимфа тугунларининг постнатал ривожланиши 3

Утепова Нигора Бурхановна

Постнатальное становление лимфатических
узлов потомства в условиях воздействия пестицидов..... 21

Uteпова Nigora Burkhanovna

Postnatal formation of offspring lymph nodes under
pesticides exposure..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 46

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

УТЕПОВА НИГОРА БУРХОНОВНА

ПЕСТИЦИДЛАР ТАЪСИРИ ШАРОИТИДА ТУҒИЛГАН АВЛОД
ЛИМФА ТУГУНЛАРИНИНГ ПОСТНАТАЛ РИВОЖЛАНИШИ

14.00.02-Морфология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В202.2.PhD/Tib2640 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизова Феруза Хусановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Орипов Фирдавс Суръатович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Хамракулова Мукаддасхон Аскарловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Хожи Ахмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил « _____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил « _____ » _____ да тарқатилди.

(2024 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда атроф-муҳитни ифлослантйрувчи моддаларнинг асосий қисм пестицидлар бўлиб, улардан фойдаланмасдан қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мумкин эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ҳар йили қарийб уч миллион пестицидлар билан заҳарланиш ҳолатлари кузатилади...». Бу ҳар йили дунё бўйлаб 220000 кишининг ўлимига сабаб бўлади. Саратон, аллергия, неврологик касалликлар ва репродуктив фаолият бузилишларининг пестицидлар таъсири билан боғлиқлиги ҳақида далиллар ортиб бормоқда. Республикамизда ҳозирги вақтда 250 дан ортиқ янги авлод пестицидлари қўлланилмоқда. Ушбу пестицидларнинг паст заҳарлилигига қарамай, уларнинг қишлоқ хўжалигида кенг қўлланилиши натижасида оз миқдорда бўлсада сув, ҳаво ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ифлосланиш хавфи ошади. Бу аҳолига кичик дозали пестицидларнинг узоқ муддатли таъсир қилиш хавфини яратади. Заҳарли моддалар билан ифлосланган экологик муҳитнинг организмга сурункали таъсири деярли барча органлар ва тизимларда ўзгаришларга олиб келади. Жигар, асаб, иммун ва эндокрин тизимлар экотоксик омиллар, жумладан пестицидлар таъсирига энг сезгир ҳисобланади. Пестицидларнинг иммунтоксиклиги кўпинча турли оғир инфекциялар ва хавфли ўсмаларнинг ривожланишига олиб келувчи иммунтанқислик билан намоён бўлади. Шунинг учун замонавий пестицидларнинг иммун ва эндокрин тизимларига таъсир механизмларини ўрганиш замонавий тиббиётнинг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда она организмга пестицидлар сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда кузатиладиган салбий асоратларнинг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига эришиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, пестицидларнинг биологик таъсир механизми хусусиятларини асослаш, уларнинг иммунтоксиклик таъсир механизмини аниқлаш, авлоднинг постнатал ривожланишида пестицидларнинг зарарли таъсирини олдини олиш ва уларнинг асоратларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, пестицидларнинг заҳарли таъсири натижасида юзага келадиган асоратларни олдини олиш ва эрта аниқлашга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ

қилиш», «...репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, замонавий пестицидлар таъсирида заҳарланишлар, ушбу шароитда юзага келган ҳомиладорлик ва туғилгандан кейинги ҳавф омилларини аниқлаш, пестицидларнинг она организми орқали авлод иммун тизимига кўрсатадиган таъсир механизмларини очиб бериш ҳамда шу орқали салбий асоратларни олдини олиш, эрта ташхислаш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-216-сон «2022-2026 йилларда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси Яқин (Яглова Н.В., Яглов В.В., 2012) ва узоқ (Pine M.D. et al., 2008; Mnif W. et al., 2011; Gore A.C. et al., 2015) хорижий олимларнинг пестицидларни салбий таъсирлари билан боғлиқ глобал муаммони ҳал қилишга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд. Ушбу ишларда қатор пиретроид пестицидларнинг репродуктив тизимнинг гормонал бошқарилишини издан чиқарувчи антиандроген таъсирга эга эканлиги, қатор касалликлар, жумладан, семизлик, атеросклероз, гипертония, ишемик касалликлар, хавфли ўсмаларнинг ривожланишида пестицидларнинг пренатал ва илк постнатал даврдаги таъсирининг муҳим аҳамияти ҳақида далиллар келтирилган. Юзага келадиган салбий оқибатлар, авваламбор, пестицидларнинг эндокрин-бузувчи ва иммунтоксик таъсири билан боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган. Кенг тарқалган замонавий пестицидларнинг иммун тизими аъзоларига таъсирини ўрганиш ҳомила ва илк постнатал даврда пестицидларнинг таъсири сабабли юзага келадиган қатор касалликлар

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

патогенези ҳақида янги маълумотлар олиш имконини беради. Афсуски, шубҳасиз илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммо ханузгача ўз ечимини топгани йўқ.

Ўзбекистонда замонавий пестицидларнинг иммунотоксик ва эндокрин-бузувчи таъсири бўйича қатор олимлар (Қ.Р.Тўхтаев, 2012, 2014; Н.Қ.Тухтаев, Н.Б.Зокирова, 2019) томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. П.И.Ташходжаев (1993), Т.И.Искандаров (1990, 2002), Г.Т.Искандарова (1998) ва М.А.Ҳамроқулова (2016) тадқиқотлари эса пиретроид пестицидлар билан ўткир ва сурункали захарланганда кузатиладиган токсикологик ва биокимёвий ўзгаришларга бағишланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, замонавий пестицидларнинг иммун ва эндокрин тизимларига таъсир механизмларини ўрганиш бўйича тадқиқотларнинг аксарият қисми балоғатга етган организмда ўтказилган. Шу билан бирга, айнан ҳомила ва илк постнатал даврлар бўлажак авлодда пестицидлар таъсирида узоқ муддатли оғир асоратлар ривожланиш эҳтимоли жуда юқори бўлган энг хавфли даврлардан ҳисобланади.

Замонавий маҳаллий ва хорижий адабиёт манбааларида пестицидларнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлод иммун аъзоларининг илк постнатал даврда ривожланишининг морфофункционал ўзига хос хусусиятларини комплекс баҳолашга қаратилган маълумотларнинг ноаниқлиги, бир-бирига зидлиги ва етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу йўналишдаги тадқиқотларнинг долзарблиги юқори даражада эканлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Турли хил тажрибавий патологияларда иммун ва ҳазм тизими аъзоларининг постнатал ривожланишида организм ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг функционал-метаболик ва структур тавсифлари» (2018-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади она организмига пестицидларнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда илк постнатал даврда мезентериал лимфа тугунлари (МЛТ)нинг структур-функционал хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фипронилнинг сурункали таъсири шароитида урғочи каламушларнинг фертиллиқ хусусиятлари ва улардан туғилган авлоднинг физиологик етуқлик кўрсаткичларини баҳолаш;

она организмига пестицидларнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда илк постнатал онтогенез даврида МЛТнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш;

она организмига фипронилнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда илк постнатал онтогенез даврида МЛТнинг морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

иммуногистохимический метод исследования она организмига фипронилнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлод МЛТ хужайраларининг пролифератив фаоллиги ва апоптоз даражасини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тана вазни 160-180 грамм бўлган, жинсий етилган, илгари туғмаган, оқ зотдор бўлмаган 60 та урғочи каламушлар ва улардан туғилган 473 та каламуш болалари олинган.

Тадқиқотнинг предметини фипронилнинг она организми орқали таъсири шароитида туғилган авлоднинг илк постнатал ривожланиш давридаги физиологик кўрсаткичлари ва МЛТнинг структур-функционал хусусиятларини комплекс баҳолаш материаллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда она организмига фипронилнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда МЛТнинг постнатал ривожланишини структур хусусиятларини комплекс баҳолаш учун ёруғлик микроскопияси, морфометрия, иммуногистохимический ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кичик дозада сурункали юборилган фипронилнинг урғочи каламушларни фертилик хусусиятларини пасайтириши ва улардан туғилган авлоднинг илк постнатал даврда физиологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

урғочи каламушларга ҳомиладорлик ва лактация даврларида фипронилнинг сурункали таъсири авлод мезентериал лимфа тугунларининг структур-функционал зоналарини илк постнатал ривожланиши ва шаклланиши суръатларини сезиларли даражада пасайтириши исботланган;

урғочи каламушларга фипронилнинг сурункали таъсири натижасида авлод мезентериал лимфа тугунлари хужайраларининг пролиферацияси ва апоптози жараёнлари ўртасида юзага келадиган номутаносиблик аъзонинг тимусга тобе зоналарини гипотрофияси ва гипоплазиясига олиб келиши аниқланган;

она организмига фипронилнинг сурункали таъсири шароитида авлоднинг мезентерал лимфа тугунларида иммункомпетент хужайраларнинг пролифератив фаоллигининг пасайиши ва апоптоз даражасининг ошиши илк постнатал даврда ривожланадиган иккиламчи иммунтанқислигининг морфологик асоси эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

она организми орқали фипронилнинг иммунтоксик таъсири шароитида МЛТнинг постнатал морфогенезини бузилиши янги туғилган чақалоқ ва гўдакларда иккиламчи иммунтанқислигининг асосий сабаби бўлиши мумкин;

она организми орқали фипронилнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлод МЛТнинг постнатал ўсиши ва шаклланиши жараёнларини бузилишининг структур-функционал механизмларини аниқланиши эҳтимолий асоратларнинг олдини олиш ва патогенетик даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган ёруғлик микроскопияси, морфометрия, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида она организмига фипронилнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда МЛТнинг постнатал ривожланишини структур хусусиятларини комплекс баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кам дозадаги фипронилнинг ҳомиладорлик ва илк постнатал даврларда авлоднинг МЛТни шаклланишига салбий таъсирининг структур-функционал механизмлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фипронилнинг сурункали таъсири шароитида авлод МЛТининг шаклланиши жараёнида аниқланган бузилишларнинг структур-функционал механизмлари болаларда иккиламчи иммунтанқислигини бартараф этишга йўналтирилган патогенетик профилактика ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Она организмига пестицидларнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда илк постнатал даврда МЛТнинг структур-функционал хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: кичик дозада сурункали юборилган фипронилнинг урғочи каламушларни фертилик хусусиятларини пасайтириши ва улардан туғилган авлоднинг илк постнатал даврда физиологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 16 июнда 05-23/43-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидларининг пренатал таъсирининг мезентериал лимфа тугунларининг постнатал ривожланишига токсик таъсирини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент давлат стоматология институти «Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги» маркази қошидаги «Морфология илмий-тадқиқот лабораторияси» бўйича 17.06.2023 йилдаги 221/АФ-сон ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти тиббий ва биологик кимё, тиббий биология, умумий генетика кафедраси қошидаги илмий-тадқиқот лабораторияси бўйича 19.06.2023 йилдаги 261-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/56-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронилнинг мезентерал лимфа тугунларини постнатал ривожланишига салбий таъсирининг морфологик механизмларини очиб

берувчи мазкур тадқиқот натижалари болаларда ривожланиши мумкин иккиламчи иммун танқислигининг олдини олиш ва тузатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун назарий асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали фипронил пестицидининг сурункали таъсири натижасида авлодда ривожланадиган иммун бузилишларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда иммунтанқислик ҳолатини ташҳислаш ва даволаш харажатларини тежаш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: урғочи каламушларга ҳомиладорлик ва лактация даврларида фипронилнинг сурункали таъсири авлод мезентериал лимфа тугунларининг структур-функционал зоналарини илк постнатал ривожланиши ва шаклланиши суръатларини сезиларли даражада пасайтириши исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 16 июнда 05-23/43-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидларининг пренатал таъсирининг мезентериал лимфа тугунларининг постнатал ривожланишига токсик таъсирини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент давлат стоматология институти «Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги» маркази қошидаги «Морфология илмий-тадқиқот лабораторияси» бўйича 17.06.2023 йилдаги 221/АФ-сон ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти тиббий ва биологик кимё, тиббий биология, умумий генетика кафедраси қошидаги илмий-тадқиқот лабораторияси бўйича 19.06.2023 йилдаги 261-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/56-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронилнинг мезентерал лимфа тугунларини постнатал ривожланишига салбий таъсирининг морфологик механизмларини очиб берувчи мазкур тадқиқот натижалари болаларда ривожланиши мумкин иккиламчи иммун танқислигининг олдини олиш ва тузатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун назарий асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали фипронил пестицидининг сурункали таъсири натижасида авлодда ривожланадиган иммун бузилишларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда иммунтанқислик ҳолатини ташҳислаш ва даволаш харажатларини тежаш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: урғочи каламушларга фипронилнинг сурункали таъсири натижасида мезентериал лимфа тугунлари хужайраларининг пролиферацияси ва апоптози жараёнлари ўртасида юзага келадиган номутаносиблик аъзонинг тимусга тобе зоналарини гипотрофиясига олиб келиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 16 июнда 05-23/43-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидларининг пренатал таъсирининг мезентериал лимфа тугунларининг постнатал ривожланишига токсик таъсирини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент давлат стоматология институти

«Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги» маркази қошидаги «Морфология илмий-тадқиқот лабораторияси» бўйича 17.06.2023 йилдаги 221/АФ-сон ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти тиббий ва биологик кимё, тиббий биология, умумий генетика кафедраси қошидаги илмий-тадқиқот лабораторияси бўйича 19.06.2023 йилдаги 261-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/56-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронилнинг мезентерал лимфа тугунларини постнатал ривожланишига салбий таъсирининг морфологик механизмларини очиб берувчи мазкур тадқиқот натижалари болаларда ривожланиши мумкин иккиламчи иммун танқислигининг олдини олиш ва тузатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун назарий асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали фипронил пестицидининг сурункали таъсири натижасида авлодда ривожланадиган иммун бузилишларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда иммунтанқислик ҳолатини ташҳислаш ва даволаш харажатларини тежаш имконини беради;

тўртинчи илмий янгилик: она организмига фипронилнинг сурункали таъсири шароитида авлоднинг мезентерал лимфа тугунларида иммункомпетент ҳужайраларнинг пролифератив фаоллигининг пасайиши ва апоптоз даражасининг ошиши илк постнатал даврда ривожланадиган иккиламчи иммунтанқислигининг морфологик асоси эканлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2023 йил 16 июнда 05-23/43-т-сон билан тасдиқланган «Пиретроид пестицидларининг пренатал таъсирининг мезентериал лимфа тугунларининг постнатал ривожланишига токсик таъсирини баҳолаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент давлат стоматология институти «Стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги» маркази қошидаги «Морфология илмий-тадқиқот лабораторияси» бўйича 17.06.2023 йилдаги 221/АФ-сон ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти тиббий ва биологик кимё, тиббий биология, умумий генетика кафедраси қошидаги илмий-тадқиқот лабораторияси бўйича 19.06.2023 йилдаги 261-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 15 июлдаги 03/56-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* фипронилнинг мезентерал лимфа тугунларини постнатал ривожланишига салбий таъсирининг морфологик механизмларини очиб берувчи мазкур тадқиқот натижалари болаларда ривожланиши мумкин иккиламчи иммун танқислигининг олдини олиш ва тузатишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш учун назарий асос бўлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* она организми орқали фипронил пестицидининг сурункали таъсири натижасида авлодда ривожланадиган иммун бузилишларни олдиндан кўра билиш ва эрта аниқлаш болаларда иммунтанқислик ҳолатини ташҳислаш ва даволаш харажатларини тежаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети баён этилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пестицидларнинг сурункали таъсири шароитида иммун тизими аъзоларининг постнатал ривожланиши ва морфофункционал хусусиятлари ҳақидаги замонавий тасавурлар**» деб номланган биринчи бобида лимфа тугунларининг постнатал ривожланиши ва структур-функционал хусусиятлари ҳақида замонавий тасавурлар, атроф-муҳитни ифлослантирувчиларнинг организмга иммунтоксик таъсир этишига доир жаҳон адабиётида келтирилган маълумотларнинг таҳлили бўйича натижалар келтирилган. Таҳлил якунида замонавий пестицидларнинг «иммунтоксик» таъсири механизмлари ва асоратларини ўрганишга доир тадқиқотларнинг аксарияти жинсий этилган ҳайвонлар ёки катта ёшдаги одамларда ўтказилганлиги кўрсатилган. Шу билан бирга, реал ҳаётда кўпинча организм, шу жумладан ҳомиладор аёллар ва ёш болалар организми айнан кичик дозалардаги пестицидлар ва уларнинг метаболитлари таъсирига дуч келади. Шу билан бирга, ҳомиладорлик ва илк постнатал даврлар пестицидлар таъсирининг оғир асоратлари ривожланиши учун ҳаётнинг энг хавфли босқичлари ҳисобланади. Ҳозиргача замонавий пестицидларнинг она организми орқали ҳомила ва чақалоққа кўрсатадиган иммунтоксик таъсири етарлича тўлиқ аниқланмаганлиги ва ушбу муаммонинг ечимини топиш борасидаги илмий-тадқиқотларни давом эттириш зарурияти асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Фипронилнинг иммунтоксик таъсирини ўрганиш методологияси**» деб номланган иккинчи бобида тажриба материали ва ўтказилган тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар, шунингдек асосий

микроскопик, морфометрик, ультрамикроскопик, иммуногистохимёвий ва статистик тадқиқот усуллари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тажрибалар вазни 160-180 г бўлган, жинсий етилган, илгари туғмаган, зотдор бўлмаган 60 та оқ урғочи каламушлар ва улардан туғилган жами 473 та (назорат гуруҳи – 285 та, тажриба гуруҳи – 188 та) каламуш болаларида ўтказилди. Урғочи каламушлар оддий лаборатория рациони шароитида сақланди. Соматик ва юқумли касалликлар истисно этилгандан сўнг барча урғочи каламушлар икки гуруҳга ажратилди.

Биринчи гуруҳдаги каламушларга (тажриба гуруҳи, 30 та) зонддан фойдаланиб, физиологик эритмада аралаштирилган фипронил (ФПН) 0,97 мг/кг дозада ҳар куни оғиз орқали юборилди, бу препарат ЛД₅₀нинг 1/100 қисмига мос келади. Фипронил (ФПН) 2,5%ли суспензия концентрати (тижорат номи «Трипгуард»), «Astrachem-Tashkent» кўшма корхонасидан олинди. Препаратнинг таъсир қилувчи (фаол) моддаси – фипронил бўлиб, у фенилпиразоллар гуруҳига тегишли. Ўзбекистон Республикасининг «Атроф-муҳитда ва озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларнинг гигиеник нормалари» 0009-21-сон СанҚваНга мувофиқ ўткир меъда ичи токсиклиги кўрсаткичлари бўйича 3-ҳавф гуруҳига киради.

Каламушларнинг иккинчи гуруҳи (назорат гуруҳи, 30 та) га тенг миқдорда стерилланган физиологик эритма юборилди ва ҳар иккала каламушлар гуруҳи кузатув остига олинди. ФПН тажриба якунига қадар юборилди, яъни тажриба гуруҳи каламушларида уруғланиш, ҳомиладорлик ва лактация даврлари ФПНнинг сурункали таъсири шароитида ўтди. Тажрибанинг 31 кунига келиб, ҳар иккала гуруҳдаги урғочи каламушлар уруғлантириш учун соғлом эркак каламушлар билан кўшилди. Ҳомиладорликнинг бошланиши урғочи каламушларнинг қин суртмаларида сперматозоидларнинг аниқланишига қараб назорат қилинди. Ҳомиладорлик бошланганидан кейин урғочи каламушлар эркак каламушлардан ажратилди ва кейинги тадқиқотлар учун алоҳида қафасларга жойлаштирилди. Қайд этиш лозимки, урғочи каламушларнинг 3 таси пестицидларнинг сурункали таъсири билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тажрибадан чиқарилди.

Фипронилнинг урғочи каламушларнинг фертилик хусусиятларига таъсири, илк постнатал онтогенез даврида каламуш болаларининг физиологик ривожланиши (қулоқ супрасининг ажралиши, жун билан қопланиши, кўзининг очилиши, курак тишларининг чиқиши, уруғдонларнинг мойкка тушиши, тана вазнининг ўсиш динамикаси) баҳоланди.

МЛТнинг постнатал ривожланиши ҳар иккала гуруҳдан олинган авлодда туғилганидан кейинги 3, 7, 14, 21 ва 30 кунларда ўрганилди. Барча тажриба ҳайвонларини сақлаш ва жонсизлантириш Ўзбекистон Республикаси этика кўмитаси рухсатномасига мувофиқ белгиланган талабларга қатъий амал қилган ҳолда бажарилди.

Тадқиқотларда ёруғлик микроскопияси, морфометрия, иммуногистохимё ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги каламуш болалари туғилгандан кейинги 3, 7, 14, 21 ва 30 кунларда эрталаб, оч қоринга, енгил эфир наркози остида жонсизлантирилди. Морфологик текширувлар учун МЛТ ажратиб олинди ва 10% ли нейтрал формалин эритмаси ёки Буэн суюқлигида фиксация қилинди, сўнгра концентрацияси ошиб борувчи спиртларда сувсизлантирилиб, парафинга қуйилди. Депарафинлангандан сўнг гематоксилин ва эозин бўёғи билан бўялган кесмалар морфологик ва морфометрик усуллар ёрдамида ўрганилди.

Морфометрик текширувларни ўтказиш учун NanoZoomer (REF C13140-21.S/N000198/HAMAMATSU PHOTONICS /431-3196 JAPAN) Hamamatsu (QuPath-0.4.0, NanoZoomer Digital Pathology Image) морфометрик компьютер дастуридан фойдаланилди.

Гематоксилин-эозин билан бўялган қалинлиги 5-7 мкм бўлган парафинли кесмаларда МЛТнинг умумий майдони ва турли структур-функционал зоналари (капсуласи, пўстлоқ ва мағиз моддалари, паракортикал зонаси, синуслари, мағиз тасмалари)нинг абсолют (мкм²) ва нисбий (%) майдонлари аниқланди. Бундан ташқари, МЛТнинг дарвозасидан ўтган кесмаларда лимфоид фолликулаларнинг сони ҳамда уларнинг абсолют ва нисбий майдонлари ҳисобланди.

МЛТда ҳужайраларнинг пролиферация даражаси ва апоптоз миқдорини баҳолаш учун иммуногистокимёвий усулдан фойдаланилди. Пролиферацияланувчи ҳужайраларнинг маркер субстратлари Ki-67 га нисбатан моноклонал қуён антитаналари, апоптоз ҳолати эса Bcl-2га нисбатан моноклонал қуён антитаналари ёрдамида аниқланди. МЛТнинг парафинли кесмаларида пролиферацияланувчи ва апоптоз ҳужайралар Ventana ХТ автоматик иммуногистостейнерида аниқланди. Кесмалар гематоксилин билан бўялди. Ҳужайралардаги маркерларга нисбатан реакция маҳсулотлари тўқ жигаррангли тузилмалар кўринишида аниқланди. Эксперессия даражаси МЛТ иммункомпетент ҳужайраларидаги тегишли тузилмаларнинг бўялиш интенсивлиги асосида баҳоланди. Бунда, кучсиз экспрессия – «+», ўртача экспрессия - «++», кучли экспрессия - «+++», реакциянинг йўқлиги «-» белгилари билан ифодаланди.

Пролиферация индекси ва антиапоптотик индекс ёруғлик микроскопида 400 марта катталаштирилганда 10 та кўриш майдонида МЛТ структур-функционал зоналаридаги 100 та ҳужайрага нисбатан мос равишда Ki-67 ва Bcl-2-позитив ҳужайралар сонини санаш йўли билан аниқланди ва кўрсаткичлар фоизларда ифодаланди.

Барча рақамли маълумотларга вариацион статистик усулида ишлов берилди. Ҳисоб-китоб ва статистик таҳлил Windows дастурий статистик пакетидан фойдаланган ҳолда ўтказилди. Барча кўрсаткичлар ўрта±стандарт оғиш (SD) сифатида тақдим этилди. Назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги статистик фарқ Стьюдент тестидан фойдаланган ҳолда таққосланди ва фарқлар $P < 0,05$ да ишончли деб топилди.

Диссертациянинг «Кичик дозали фипронилнинг сурункали таъсирини урғочи каламушлар фертиллигига ва авлоднинг илк

постнатал даврда жисмоний ривожланишига таъсири» деб номланган учинчи бобида урғочи каламушларга фипронилнинг сурункали таъсири натижасида уларнинг фертиллик қобилияти ҳамда туғилган авлоднинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини ўзгаришига оид маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотимизда урғочи каламушларга фипронилнинг кичик дозада сурункали юборилиши, уларнинг фертиллик қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Ўтказилган қин суртмалари таҳлили шуни кўрсатдики, эстрал циклнинг ўртача давомийлиги назорат гуруҳи каламушларида ўртача 4,6 кунни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич тажриба каламушларининг 66% да – 6,1 кун, 22% да – 7,5 кун, 12% да – 11,6 кунга тенг бўлди. Бу тажриба гуруҳидаги деярли барча урғочи каламушларда жинсий циклнинг бузилишидан далолат беради.

Тажриба гуруҳи каламушларига 30 сутка давомида кичик дозали фипронил таъсир этирилгандан сўнг, тажрибанинг 31-кунинда улар соғлом эркак каламушлар билан қўшилди ва ҳомиладорликни юзага келиши кузатилди. Кузатиш натижаларига кўра, 1 та (3,3%) каламушда бутун тажриба давомида ҳомиладорлик ривожланмади, 60% урғочиларда ҳомиладорликни юзага келиши назорат гуруҳига нисбатан ўртача 3-7 кунга, ҳомиладорлик муддати 23-26 кунга чўзилди. Тажриба гуруҳидаги каламушлардан жами 188 та каламуш болалари туғилди.

Назорат гуруҳидаги каламушларни кузатиш натижалари қуйидагилардан иборат бўлди: соғлом эркак каламушлар билан қўшилгандан кейин уларнинг барчасида 1-5 кун ичида ҳомиладорлик юзага келди ва у ўртача 21-23 сутка давом этди. Ушбу каламушлардан туғилган каламуш болалари сони жами 285 тани ташкил этди. Тадқиқотимиз натижалари тажриба гуруҳида бир туғишдаги каламуш болалари сонининг камайганлигини кўрсатди. Агар, назорат гуруҳида битта урғочи каламушдан туғилган каламуш болалари сони ўртача – 9,2 тани ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида эса ушбу кўрсаткич ўртача – 6,7 тага тенг бўлиб, 27,2%га камайди.

Туғилгандан кейинги 14 сутка давомида кузатилган постнатал ўлим ҳолати назорат гуруҳида 2,5% (7 та), тажриба гуруҳида эса 6,3% (12 та)ни ташкил этди. Туғилган каламуш болаларини жинс бўйича таҳлили тажриба гуруҳида эркак каламушлар улушининг бирмунча камайганлигини кўрсатди, назорат ва тажриба гуруҳларида туғилган урғочи ва эркак каламуш болаларининг улуши мос равишда 53,2:46,8 ва 59,6:40,4 ни ташкил қилди. Илк постнатал онтогенез даврида каламуш болаларининг жисмоний ривожланишини қулоқ супрасининг ажралиши, тананинг жун билан қопланиши, курак тишларининг чиқиши, кўзларининг очилиши, уруғдонларнинг мойка тушиши каби кўрсаткичлар асосида баҳоланди.

Постнатал ривожланиш динамикасида каламуш болаларининг жисмоний ривожланиш жараёнларини кузатиш натижасида тажриба гуруҳи каламушларида қулоқ супрасининг ажралиши, курак тишларининг чиқиши,

кўзларининг очилиши, уруғдонларнинг мойка тушиши каби кўрсаткичларни деярли физиологик меъёрларга мос эканлиги ва назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилмаганлиги аниқланди, шу билан бирга назорат гуруҳига нисбатан тажриба гуруҳи ҳайвонларида тананинг жун билан қопланишини – 1,1 кунга кечикканлиги қайд этилди, лекин постнатал ривожланишнинг 21-кунига келиб, назорат ва тажриба гуруҳи каламуш болалари танасининг жун билан қопланиши деярли бири-биридан фарқ қилмади.

Маълумки, илк постнатал онтогенез даврида тана вазнининг ўсиш динамикасини пасайиши жисмоний ноетуклик белгиларидан бири ҳисобланади. Тадқиқотда тажриба гуруҳи ҳайвонларида постнатал ривожланиш даврида тана вазнининг ошиш динамикаси назорат гуруҳи каламуш болалари кўрсаткичларига нисбатан орқада қолиши қайд этилди: туғилгандан сўнг дастлабки 2 ҳафта (1-14 кунлар) давомида назорат гуруҳи каламуш болалари тана вазнининг кунлик ўсиши $1,06 \pm 0,053$ г.ни ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳи урғочи каламушларидан туғилган авлодда ушбу кўрсаткич – $0,5 \pm 0,025$ г. га тенг бўлди; туғилгандан кейинги 15-30 кунларда кунлик тана вазнини ўсиши назорат ва тажриба гуруҳларида мос равишда – $1,4 \pm 0,07$ г. ва $1,1 \pm 0,05$ г. ташкил этди. Шундай қилиб, постнатал ривожланиш даврида каламушларнинг тана оғирлигини кунлик ўсиш кўрсаткичи соғлом урғочи каламушлардан олинган авлодларга нисбатан тажриба ўтказилган гуруҳда сезиларли даражада камайганлиги кузатилди.

Шунингдек, каламуш болаларининг кранио-каудал ўлчамларини ўзгариш динамикаси ўрганилди ва фипронилнинг сурункали таъсирида бўлган урғочи каламушлардан туғилган авлодда тананинг кранио-каудал ўлчамларини назорат гуруҳи ҳайвонларининг ушбу кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилиши аниқланди.

Шундай қилиб, урғочи каламушларга кичик дозадаги пестицидларнинг сурункали таъсири уларнинг фертилик қобилиятини пасайтиради, туғилган авлоднинг илк постнатал даврда жисмоний ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бу туғилгандан кейин 2 ҳафта давомида назорат гуруҳига нисбатан нобуд бўлган каламуш болалари сонининг ортиши, илк постнатал ривожланишнинг барча даврларида каламуш болаларининг тана вазнини йиғиш суръатларини пасайиши ва кранио-каудал ўлчамларини кичиклиги, жисмоний етуклик белгиларининг шаклланиш жараёнларини бирмунча кечикиши билан ифодаланади.

Диссертациянинг «Урғочи каламушларга фипронилнинг сурункали таъсири шароитида туғилган авлодда мезентериал лимфа тугунларининг постнатал морфогенези» деб номланган тўртинчи бобида илк постнатал ривожланиш динамикасида назорат ва тажриба гуруҳи каламуш болалари мезентериал лимфа тугунларининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари очиқ берилган.

Морфологик тадқиқотлар 3 кунлик назорат ва тажриба гуруҳи каламуш болаларининг МЛТ тузилиши жиҳатидан деярли фарқ қилмаслигини кўрсатди. Ҳар иккала гуруҳда МЛТ ташқи томондан юпқа бириктирувчи

тўқимали капсула билан ўралган бўлиб, паренхимаси диффуз лимфоид тўқимадан иборат, структур-функционал зоналари ҳали шаклланмаган.

Морфометрик тадқиқотлар натижасида тажриба гуруҳи ҳайвонларида МЛТнинг диффуз лимфоид тўқимаси майдонининг камайганлиги, қирғоқ синуси юзасининг бирмунча катталашганлиги аниқланди, лекин ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги аналогик кўрсаткичлардан ишончли фарқ қилмади.

7-кунлик тажриба гуруҳи каламуш болаларида МЛТ паренхимасида назорат гуруҳидаги сингари пўстлоқ ва мағиз моддаларнинг дифференциаллашганлиги аниқланди. Бироқ, назорат гуруҳи каламушларида МЛТнинг пўстлоқ моддаси чеккаларида тўқ базофил бўялган лимфоид ҳужайраларнинг зичлашган соҳалари аниқланган бўлса, тажриба гуруҳида МЛТнинг пўстлоқ моддаси ҳужайралари бир текис тақсимланган диффуз лимфоид тўқимадан ташкил топганлиги кузатилди. Ҳар иккала гуруҳда ҳам мағиз моддаси шаклланаётган мағиз тасмалар ва синуслардан иборат. Мағиз тасмаларининг ретикуляр ҳужайралар ва ретикуляр толалар ҳосил қилган стромасида асосан лимфоид қатордаги ҳужайралар, макрофаглар, айрим дифференциаллашаётган плазматик ҳужайралар жойлашган. Мағиз синусларининг девори ретикулоэндотелиал ҳужайралар билан қопланган бўлиб, уларнинг юзасида лимфоцитопоз жараянига тегишли ҳужайралар аниқланди.

Морфометрик тадқиқотлар ушбу муддатда МЛТнинг ўртача умумий майдонини назорат гуруҳи каламуш болаларининг ушбу кўрсаткичларига нисбатан 10,4%га камайганлигини кўрсатди. Бунда назорат гуруҳига нисбатан пўстлоқ модда ва мағиз тасмалар абсолют майдони кўрсаткичларининг мос равишда 1,2 ва 1,1 марта камайганлиги, аксинча мағиз синуслари майдонининг 1,1 марта катталашганлиги қайд этилди, капсула майдони улуши деярли ўзгаришсиз қолди.

14 кунлик тажриба ҳайвонлари МЛТ овал ёки ловиясимон шаклга эга бўлиб, тузилиши жиҳатидан шу ёшдаги назорат гуруҳи МЛТнинг тузилишига ўхшаш. Ташқи томондан бирктирувчи тўқимали капсула билан ўралган, асоси ретикуляр ҳужайралар ва ретикуляр толалар ҳосил қилган ретикуляр тўқимадан иборат, паренхимаси пўстлоқ ва мағиз моддалари ҳамда паракортикал зонадан ташкил топган. Пўстлоқ модданинг чекка қисмида лимфоид ҳужайраларнинг зич тўпламларидан иборат тўқ базофил бўялган тузилмалар аниқланди, булар шаклланаётган лимфоид фолликулалардир. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, ушбу муддатда назорат гуруҳи ҳайвонлари МЛТ пўстлоғида лимфоид фолликулалар шаклланиб бўлган эди.

Морфометрик тадқиқот натижалари 14 кунлик тажриба гуруҳи каламуш болалари МЛТ умумий майдонининг назорат гуруҳи ҳайвонларини ушбу кўрсаткичларига нисбатан 10%, пўстлоқ моддаси улушини 11%, мағиз моддаси улушини 5,3% ишончсиз камайганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, тугуннинг паракортикал зонаси майдонининг улуши назорат гуруҳиникига нисбатан 1,5 баробар ишончли камайганлиги кузатилди (1-жадвал).

14-кунлик каламуш болалари МЛТ структур-функционал зоналарининг абсолют ва нисбий майдонлари кўрсаткичлари ((M±m)×10³ мкм², %)

Гуруҳ		Пўстлоқ модда		Мағиз модда		Паракортикал зона	Капсула
		Фолликул	Пўстлоқ плато	Мағиз тасма	Мағиз синус		
Назорат	абс.	10,5±0,53	47,0±2,35	40,6±2,03	30,8±1,54	15,9±0,80	5,0±0,29
	%	7,0%	31,4%	27,1%	20,6%	10,6%	3,3%
Тажриба	абс.	51,3±2,56		36,2±1,81	31,4±1,57	10,3±0,51	6,2±0,31
	%	37,8%		26,7%	23,3%	7,6%	4,6%
P		>0,05		>0,05	>0,05	<0,001	<0,05

Изоҳ: фарқлар 14 кунлик назорат гуруҳи каламуш болалари кўрсаткичларига нисбатан ишончли, P<0,05.

